

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 03/30.12.2019. ТАР.20.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РАЖАБОВА ЗУХРА САЪДУЛЛАЕВНА

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ТАРИХИЙ МЕРОСИ ВА ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ
МАЪНАВИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ
(1991-2020 йиллар)**

07.00.01 –Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

НУКУС – 2021

УДК: 94 (575.1) 902 (584.4)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Ражабова Зухра Саъдуллаевна

Хоразм вилояти тарихий мероси ва ёдгорликларининг маънавиятни юксалтиришдаги аҳамияти (1991-2020 йиллар)3

Ражабова Зухра Саъдуллаевна

Значение исторического наследия и памятников Хорезмского вилоята в повышении духовности (1991-2020 годы)20

Rajabova Zuhra Sa`dullayevna

Importance of historical heritage and monuments of Khorezm region in elevating the spirituality (1991-2020)39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works43

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 03/30.12.2019. ТАР.20.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РАЖАБОВА ЗУХРА САЪДУЛЛАЕВНА

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ТАРИХИЙ МЕРОСИ ВА ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ
МАЪНАВИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ
(1991-2020 йиллар)**

07.00.01 –Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

НУКУС – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Tar142 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.karsu.uz) ва "Ziyounet" Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шадманова Санавар Базарбаевна
тарих фанлари доктори, профессор

Базарбаев Раҳимназар Жуманазарович
тарих фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Таг.20.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "27" август соат 11 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230100, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров, 1 уй. Тел.: (99361) 223-60-49, факс: (361) 223-60-49, e-mail: karsu.info@gmail.ru.)

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (44 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230100, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров, 1 уй. Тел.: (99361) 223-60-49, факс: (361) 223-60-49.)

Диссертация автореферати 2021 йил "13" 08 кун таркатилди.
(2021 йил "13" 08 даги 6 реестр баённомаси).



Р.Б.Баллиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тарих фанлари доктори, профессор

Х.М.Отегенов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, фалсафа доктори (PhD)

Б.А.Қощанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тарих фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Замонавий дунёда инновацион жараёнлар динамикасининг ўсиши, маданиятлараро мулоқотнинг кенгайиши жараёни кенг тус олмақда. Шу билан бирга глобаллашув ва у билан бирга оммавий маданият белгиларининг кенг тарқалиши тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатлар халқларининг миллий маънавиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Миллий қадриятларнинг ажралмас қисми бўлган моддий ва номоддий меросни сақлаш жамиятнинг тарихий маданий ривожланиши жараёнларидаги энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Кўплаб давлатларда маданий меросни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш учун тегишли чоралар кўрилиб, тегишли муассасалар тузилмоқда ҳамда доимий равишда уларнинг таркиби ва ишлаш усуллари, такомиллаштирилиб борилмоқда.

Дунё миқёсида тарихий мерос ва ёдгорликларни ўрганиш, хусусан, моддий ва номоддий меросни асраб-авайлаш, унинг асрий анъаналари ва ўзига хосликларини сақлаб қолиш, тарихий шаклланиш босқичлари, хусусиятларини очиб бериш, уни янада бойитиш ҳамда кенг тарғиб қилишга қаратилган изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, тарихий ва маданий мерос объектларини реставрация қилиш, қадимий меъморчилик санъати, шаҳарсозлик анъаналарини тиклаш, тарихий-маданий мероснинг ижтимоий-маънавий соҳа ривожларидаги ролини ошириш, маданий мерос объектларининг ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги аҳамиятини очиб бериш, меъморий обидаларнинг туризмни ривожлантиришдаги ўринини оширишга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда миллий ва маънавий қадриятларни тиклаш, ўрганиш ва тарғиб этиш, маданий ёдгорликлар, муқаддас қадамжоларни асраб-авайлаш борасида кенг кўламли ишлар бажарилмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар “халқимизнинг яратувчилик даҳоси билан бунёд этилган ноёб меросни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, ... халқаро миқёсда динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни йўлга қўйиш, ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадларни кўзда тутди”¹. Хоразм воҳаси аҳолисининг моддий ва номоддий бебаҳо мероси тарихий ва замонавий цивилизация тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини очиб бериш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ-4068-сон “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 23 февралдаги ВМҚ-47-сон “Номоддий маданий мерос муҳофазасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”, 2018 йил 15 февралдаги ВМҚ-120-сон “Муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар, масжидлар ва қабристонларни ободонлаштириш ишларини самарали ташкил этиш

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // <https://uz.uz/posts/adabyot-va-sanat-madaniyatni-rivozhlantirish-khal-imiz-mana-03-08-2017>

тўғрисида”, 2019 йил 30 мартдаги 265-сон “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги маданий мерос департаменти фаолиятини ташкил этиш ҳамда моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”, 2019 йил 4 октябрдаги ВМҚ-846-сон “Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мустақиллик йилларида Хоразм вилояти тарихий ва маданий ёдгорликларининг маънавиятни юксалтиришдаги аҳамиятини ўрганиш масалалари маънавият, тарих, археология, архитектура, этнография, фольклоршунослик каби соҳаларнинг тадқиқотлари диққат марказида бўлиб келган. Шу боис мавзуга оид адабиётларни куйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш мақсад мувофиқ бўлади:

1. Миллий маданий мероснинг маънавий ҳаётни ривожлантириш, ёшларнинг ижтимоий қиёфаси, дунёқарашига таъсири каби масалалар Х.Шайхова, Қ.Назаров, Ж.Туленов, Э.Юсупов, Ф.Абдурахмонов, А.Ҳасанов, И.Жаббаров, И.Эргашев, Б.Шарипов, М.Жакборов, Ў.Мавлонов, И.Абдувасидова каби олимларнинг илмий тадқиқотларида ўз ифодасини топган.

2. Мустақиллик йилларида Хоразм тарихи ҳамда маданий мерос масалалари Б.Бобожонов, Қ.Мадраҳимов, И.Жаббаров, А.Абдурасулов, М.Мадаминов, Д.Бобожонова, М.Абдурасулов, К.Худойберганов, Ю.Раҳмонова, Ш.Нуруллаева, З.Абидова, М.Абдуллаев асарларида ёритилган.

3. Хоразм вилоятидаги археологик ёдгорликлар М.Мамбетуллаев, В.Н.Ягодин, Ғ.Ходжаниёзов, Н.Юсупов, Ш.Матрасулов, Қ.Собиров, Р.Абдиримов, С. Баратов, Б.Садуллаевлар томонидан тадқиқ қилинган.

4. Хоразм вилоятидаги меъморий ёдгорликлар П.Зоҳидов, Г. Дурдиева, А.Абдурасулов, М.Мадаминов, З.Абидовалар асарларида ёритилган.

5. Хоразм вилоятига хос урф-одат ва маросимлар бўйича И.Жаббаров, А.Аскарлов, Д.Қурбонова асарлари чоп қилинди.

6. Хоразм воҳасига хос фольклоршунослик ва куй кўшиқларини ўрганишда С.Рўзимбоев, О.Матякубов, Г.Матякубова, Б.Мадримов асарлари аҳамиятлидир.

Умуман олганда, тарихий мерос ва ёдгорликларни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилишга тарихчи олимлар ҳам тарихий нуқтаи назардан ўрганишга киришдилар. Бироқ, Хоразм вилоятидаги моддий ва номоддий мерос

ёдгорликларининг маънавиятни юксалтиришдаги аҳамияти масаласи махсус, комплекс тарзда ўрганилмаган.

Мавзунинг ўрганилиши даражаси мазкур тадқиқотнинг асосий, тарихий ва маданий мероснинг илмий-назарий тадқиқоти қисмида чуқур таҳлил қилинганлиги сабабли, диссертациянинг ушбу кириш қисмида уларга қисқача шарҳ ва муносабат билдирилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Хоразм Маъмун академиясининг илмий тадқиқот ишларига мувофиқ ЁФ1-ФА-Г003 рақамли “Мустақиллик йилларида Хоразмда бадий санъатнинг ривожини” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган (2018-2019 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади Хоразм вилояти тарихий мерос ва маданий ёдгорликларининг ижтимоий жараёнлардаги моҳияти ва хусусиятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

1991-2020 йилларда Хоразм вилояти тарихий ва маданий ёдгорликларга янгича муносабатнинг шаклланиши ва муассасалари аҳволини кўрсатиш;

тарихий ва маданий меросни асраб-авайлашнинг илмий-назарий жиҳатларини таҳлил қилиш;

ижтимоий – маънавий ҳаётнинг юксалишига таъсир этувчи тарихий ва маданий мерос объектлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;

Хоразм тарихий-маданий ёдгорликлари, меъморчилик санъати, шаҳарсозлиги ва қадимий анъаналарининг ижтимоий-маънавий соҳа ривожига таъсирини кўрсатиб бериш;

Хоразм вилоятига хос тарихий, маданий мерос объектларининг ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги аҳамиятини очиб бериш;

моддий ва номоддий ёдгорликлар ва меъморий обидаларнинг маънавий тараққиётдаги ва туризмни ривожлантиришдаги ўрнини кўрсатиш;

тадқиқотнинг илмий хулосалари асосида тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Хоразм вилоятида жойлашган тарихий ва маданий ёдгорликлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предметини Хоразм вилоятида тарихий-маданий ёдгорликлар, меъморий обидаларнинг маънавиятни юксалтиришдаги ўрнини янада такомиллаштиришга қаратилган давлат сиёсатидаги ўзгаришлар, ушбу даврдаги тарихий жараёнлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик, тизимлилик, холислик тамойиллари ҳамда муаммога цивилизацион ёндашув, қиёсий ва муаммовий - хронологик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Хоразм Маъмун академиясининг илк давлатчилик, шаҳарсозлик ва диний эътиқодлар бўйича Ҳазорасп туманидаги тадқиқотлари бу

экспедициялар натижасида қўлга киритилган сопол ва металл артефактлар ўлкадаги тарих музейларида бадиий санъат юзасидан аждодлар маҳорат мактаби сифатида хизмат қилаётганлиги очиб берилган;

Хоразм номоддий меросининг ажралмас қисми бўлган мусиқа ва рақслари оташпарастрларнинг диний маросимлар билан боғлиқ ҳолда маърака-ю маросимларида, дин пешволари бўлмиш муғларнинг фаолиятида товуш, мусиқанинг кенг қўлланилиши воҳадаги халфачиликга асосланган ўзига хос мусиқа санъатининг шаклланишига асос бўлганлиги асосланган;

Хоразм воҳасидаги зиёратгоҳлар, қорихона, қаландархона ва хонақола каби муқаддас жойларнинг қурилишида республиканинг бошқа ҳудудларидан фарқли равишда маҳаллий аҳолининг коинот, инсон, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, табиий ҳодисалар, афсонавий қаҳрамонларга оид мифологик олами, мифик дунёқараши, ахлоқий анъаналари ҳамда антик даврдаги географик муҳити доимий равишда ўз таъсирини ўтказиб турганлиги исботланган;

мустақиллик йилларида тарихий ёдгорликлар таъмирланиб, улардан оқилона ва унумли фойдаланиш мақсадида “Ичан-қалъа” давлат музей-кўриқхонаси фаолиятининг йўлга қўйилиши мадраса, масжид, сарой ва миноралар каби обидаларларнинг музей объекти сифатида юқори даражада сақланиши уларнинг илмий ва бадиий қийматини юзага чиқариш имконини бераётганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Хоразм вилояти тарихий ва маданий ёдгорликларининг маънавиятни юксалтиришдаги ўрни ва аҳамиятини оширишга қаратилган давлат сиёсатининг моҳияти, тарихий обидаларга янгича муносабатнинг шаклланиши, тарихий ва маданий мерос объектларининг ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги муҳим аҳамиятига доир илмий хулосалардан Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тарихи материалларини тўлдириш ва мазмунан бойитишга қаратилган жиҳатлар аниқланган;

Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тарихини тадқиқ этиш, Хоразм вилояти тарихий ва маданий ёдгорликларининг маънавиятни юксалтиришдаги аҳамиятини ўрганишга қаратилган ҳамда ўқув жараёнида қўлланилиши назарда тутилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари, Ўзбекистон Миллий архиви, Хоразм вилоят давлат архиви ва музейлар ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жорий архивлари жамғармаларида сақланаётган кўплаб ҳужжатларга асосланганлиги, тадқиқот маълумотларининг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли идоралар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Хоразм вилояти тарихий мерос, маданий ёдгорликлар ва меъморий мажмуаларнинг маънавиятни юксалтиришда тутган ўрнини ёритишга хизмат қилиши мумкинлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиши, тарихий ва маданий меросни тадқиқ этишга бағишланган давлат дастурларининг бажарилишида, шунингдек, мустақиллик даври Хоразм вилояти тарихий ва маданий ёдгорликларининг маънавиятни юксалтиришдаги аҳамияти тарихига оид янги дарслик ва ўқув-қўлланмалари яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хоразм вилояти тарихий ва маданий ёдгорликларининг маънавиятни юксалтиришдаги аҳамияти бўйича олинган илмий натижалар, хулоса ва амалий таклифлар асосида:

Хоразм Маъмун академиясининг илк давлатчилик, шаҳарсозлик ва диний эътиқодлар бўйича Ҳазорасп туманидаги тадқиқотлари, бу экспедициялар натижасида қўлга киритилган қўплаб артефактлар ўлкадаги тарих музейларида бадиий санъат юзасидан аждодлар маҳорат мактаби сифатида хизмат қилаётганлигига оид натижалардан 2016-2017 йилларда бажарилган “Мустақиллик йилларида Хоразмда бадиий санъатнинг ривожи” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 23 январдаги 3/1255–172-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши Хоразм вилоятида маҳаллий шароитларга мос, қадимий услублардаги ресторан, қабуллар уйи, галерея, амфитеатр ва хунармандлар устахоналарини ташкил қилиш имконини берган;

Хоразм номоддий меросининг ажралмас қисми бўлган мусиқа ва рақслари оташпарастларнинг диний маросимлар билан боғлиқ ҳолда маърака-ю маросимларида, дин пешволари бўлмиш муғларнинг фаолиятида товуш, мусиқанинг кенг қўлланилиши воҳадаги ўзига хос мусиқа санъатининг шаклланишига асос бўлганлигинигига оид натижалар Республика Маънавият ва маърифат маркази Хоразм вилояти бўлимининг 2018-2019 йилларда туманлар ва шаҳарлар тарғиботчилар гуруҳи аъзолари учун ўқув-тренинглар ташкил этиш фаолиятига татбиқ этилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 1 июндаги 01/07-516-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ёш авлодни ватанпарварлик, маданий – маънавий меросга муҳаббат руҳида тарбиялашда ҳамда маънавий меросни асраш ғояларини сингдиришга хизмат қилган;

мустақиллик йилларида тарихий ёдгорликлар таъмирланиб, улардан оқилона ва унумли фойдаланиш мақсадида музей–қўриқхоналар фаолиятини йўлга қўйилиши, тарихий-маданий объектларни музей объекти сифатида юқори даражада сақлашга оид хулосалардан тарихий маданий меросни сақлаш ва тарғиб қилиш ҳамда “Ичан қалъа” музей қўриқхонасида янги экспозицияларини ташкил этиш ва уларни маълумотлар билан тўлдиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг Хоразм вилояти Маданият бошқармаси “Ичан қалъа” давлат музей қўриқхонасининг 2020 йил 24 сентябрдаги 242-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши Хива “Ичан қалъа” музей қўриқхонасида янги

экспозицияларни ташкил этиш ва уларни маълумотлар билан тўлдиришга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича 22 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та (улардан 3 таси республика, 2 таси хорижий журналларда) мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 141 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, муаммонинг ўрганилиш даражаси таҳлил қилинган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мустақиллик йилларида тарихий – маданий мероснинг илмий – назарий тадқиқоти маданий мерос ёдгорликларига муносабат”** деб номланган биринчи бобининг биринчи параграфи **“Мустақиллик йилларида тарихий ва маданий мероснинг илмий-назарий тадқиқоти”** деб номланган. Мустақиллик йилларида Хоразм вилояти тарихий ва маданий ёдгорликларининг маънавиятни ривожлантиришдаги аҳамиятини ўрганишга бағишланган ушбу диссертация тадқиқотида тарих, археология, фалсафа, меъморчилик, фольклор, санъатшуносликка оид адабиётлар таҳлил этилди.

Мустақилликка эришилгандан сўнг маънавий ҳаётни ривожлантириш, ёшлар тарбияси, айниқса, комил инсонни шакллантириш масаласи муҳим тадқиқот объектига айланди. Ж.Туленов, Э.Юсупов, Х.Шайхова, Қ.Назаров, С.Отамуратов, А.Очилдиев, А.Иброҳимов, Т.Раҳмонов, У.Қорабоев, М.Йўлдошев каби олимлар миллий-маданий меросни маданиятнинг таркибий қисми сифатида таҳлил қилдилар².

² Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 355 б.; Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Тошкент: Шарқ, 1998. –132 б.; Шайхова Х., Назаров Қ. Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. –118 б.; Назаров Қ. Аксиология. Қадриятлар фалсафаси. Тошкент: Маънавият, 1994. – 23 б.; Отамуратов С. Миллий ривожланиш фалсафаси. – Тошкент: Академия, 2005; Очилдиев А. Истиклолимиз пойдевори // Маънавий маданият ва миллий ўз-ўзини англаш // Соғлом авлод учун. 1998. – № 8-9. –Б.8-13.; Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. Тошкент:

Миллий ва умуминсоний кадриятларни ҳамда маданий мероснинг маънавий ҳаётни ривожлантиришга, ёшлар ижтимоий қиёфасига, дунёқарашига таъсири масалаларининг айрим қирралари Э.Юнусова, А.Чориев, З.Қодирова, Ф.Мусаев, Ф.Атамурадова, Х.Аҳмедова, Ф.Йўлдошева, А.Эркаев, С.Жўраевларнинг илмий-тадқиқотларида ўз ифодасини топган³.

Маданий мероснинг ёшлар маънавий тарбиясидаги аҳамияти юзасидан Э.Юсупов, Ў.Юсупов, Ф.Абдурахмонов, Р.Раҳмонов, З.Ғофуров, Қ.Эргашев, А.Ҳасанов, Ж.Туленов, И. Жаббаров, И.Эргашев, Б.Шарипов, М.Жакбаров⁴ асарлари аҳамиятлидир.

Мустақиллик йилларида Хоразм воҳасида амалга оширилган археологик экспедициялардан: 1) М.Мамбетуллаев бошчилигидаги ЎЗР ФА ҚҚБ ТАЭИ нинг Хива шаҳри ёшини аниқлаш мақсадида ўтказган тадқиқотлари ҳамда 2) С.Баратов бошчилигидаги Хоразм Маъмун академиясининг илк давлатчилик, шаҳарсозлик ва диний эътиқодлар бўйича Ҳазорасп туманидаги тадқиқотлари. Бу экспедициялар натижасида кўплаб артефактлар қўлга киритилган ва ҳозирда “Ичан қалъа” давлат музей кўриқхонаси бўлимлари ва Хоразм Маъмун академияси қошидаги “Хоразм тарихи ва маданияти” доимий экспозициясида хорижий ва маҳаллий сайёҳларга намойиш этилмоқда. Тадқиқот натижалари халқимиз, айниқса ёшлар маънавиятини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ёш авлод музейларда қадимий осори атиқаларни кўриб, аجدодлар маҳоратларига қойил қолиб, уларга муносиб авлод бўлишга ҳаракат қиладилар.

Хоразм вилоятининг моддий ва номоддий меросини ўрганиш масалалари А.Абдурасулов, К.Худайберганов, Г.Дурдиева, Ю.Раҳмонова, Ш.Нуруллаева, З.Абидова, Д.Бобожонов, М.Абдурасулов, М.Абдуллаев, Д.Қурбонова каби маҳаллий тадқиқотчилар ишларида алоҳида ўрин тутади⁵.

Ўзбекистон, 1996; Раҳмонов Т. Маданий инқилоб: иллатлар ва сабоқлар // Мулоқот. 1993. – № 9-10; Қорабоев У. XXI аср – маданият асри // Мулоқот. – Тошкент, 1999. – №6; Йўлдошев М. Маданият инсонни улуғлайди // Мулоқот. № 3, 2006; Имомназаров М. Маънавиятнинг ривожланиш тарихи (Олий ўқув юртлири учун ўқув қўлланма) –Тошкент: Ўзбекистон, 2008.

³ Юнусова Э. Ёшларнинг маънавий камолоти. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995; Чориев А.Ч. Социальный облик современной молодежи. – Тошкент, 1996; Қодирова З. Проблемы повышения социальной активности молодежи Узбекистана в условиях всестороннего реформирования общества. – Тошкент: 1999; Мусаев Ф.А. Духовные изменения в сельской молодежной среде Узбекистана в условиях рыночных отношений: автореф. дис...канд. филос. наук. – Тошкент: Ўзбекистон. 1997; Аҳмедова Х. Демократик жамиятда мафкура ва ёшлар муаммоси // Ижтимоий фикр. 2000 – №1-2. –Б.150-154.; Йўлдошев Ф., Ҳайдаров О. Маънавий мерос ва ёшлар тарбияси // Гулистон. 1999. – №5. –Б. 5-6.; Эркаев А. Маънавият-миллат нишони. –Тошкент: Маънавият, 1999; Джураев С.А. Особенности формирования государственной молодежной политики Республики Узбекистан в переходный период. Теория и практика. – Тошкент, 1993.

⁴ Юсупов Э., Юсупов Ў. Маънавият ва жамият тараққиёти. – Хўжанд, 1996; Юсупов Э., Абдурахмонов Ф. Маънавий камолот-мустақил тараққиётимизнинг асосий омили. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1999. – Б - 43; Раҳмонов Р., З. Ғофуров Мустақиллик ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999; Эргашев Қ. Ёшларнинг маънавий тарбияси. –Тошкент: Маънавият, 1998. – 38 б.; Ҳасанов А.Тарих сабоқлари ва ёшлар тарбияси. –Тошкент: Меҳнат, 2000. – 15 б.; Туленов Ж., И. Жаббаров Тарихий онгни ривожлантириш давр талаби. –Тошкент: Меҳнат, 2000. – 26 б.; Эргашев И., Б.Шарипов, М.Жакбаров Жамиятни эркинлаштириш ва маънавият. –Тошкент: Академия, 2002. – 55 б.

⁵ Абдурасулов А. Хива (этнографик очерклар). – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 144 б.; Худайберганов К. Хива дунёдаги энг кўхна қалъа. – Тошкент, 2012. –347 б; Ўша муаллиф. Нуруллабой мажмуаси. – Урганч:

Мавзуни ёритишда илмий журналларда эълон қилинган мақолаларнинг аҳамияти катта. Журналларда мақолалар илмий ва илмий-оммабоп шаклларда тайёрланган. Жумладан, “Ўзбекистонда Ижтимоий фанлар”, “Археологик тадқиқотлар”, “Моддий маданият тарихи” журналларида соф илмий, “Мозийдан садо”, “Санъат” журналларида илмий-оммабоп материаллар берилган. Мазкур мақолаларда археологик ва меъморий ёдгорликлар, номоддий мерос ҳақида маълумотлар берилган, айрим ҳолларда маънавий аҳамияти ҳақида ҳам сўз боради.

Вақтли матбуотда маълум воқеа-ҳодиса муносабати билан, айниқса турли шаҳар ва алломаларнинг юбилей саналарига бағишлаб, газета ва журналларда туркум мақолалар эълон қилинган. Хусусан, 1996-1997 йилларда Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган туркум мақолалар чоп қилинган. Буларда асосан шаҳарнинг пайдо бўлиши, унинг тарихи, маданияти ва санъати, айниқса меъморий обидалари ҳақида ёзилган. Оммавий журнал ва газеталарда эълон қилинган мақолаларнинг илмий аҳамияти унчалик юқори бўлмаса-да, улар ахборот жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади ва аҳолида фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади.

Хоразм вилоятидаги бошқа тарихий ёдгорликларда ҳам ўрганиш, сақлаш ва таъмирлаш ишларига кенг эътибор қаратилди. Жумладан, тарихий ёдгорликларни илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш асосида уларни нафақат тиклаш ва ёш авлодга етказиш, балки, жаҳон миқёсида шиддат билан ривожланаётган туризм соҳасини Ўзбекистонда ҳам янада ривожлантиришга хизмат қилдириш ишларига катта эътибор қаратилди. Тарихий мерос ва ёдгорликларни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш мамлакатнинг келгуси фаолиятида тажриба ва сабоқ бўлиб хизмат қилади.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфи “Хоразм вилоятида маданий мерос объектларига бўлган муносабатнинг ўзига хос томонлари” деб номланган. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ёш авлодни ватанпарварлик, бунёдкорлик ҳамда миллий меросга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилди. Улуғ алломалар, авлиёларнинг, буюк ҳукмдор ва шахсларнинг қабристон ва мақбаралари таъмирланди. Зиёратгоҳлар ободонлаштирилди ва муқаддас қадамжоларга айлантирилди.

Манбаларни ўрганиш жараёнида Ўрта Осиёнинг бошқа худудлари сингари Хоразм воҳаси ҳам ўзининг бой ва ранг-баранг рақс, мусиқа санъати билан ажралиб турганлигини англаш мумкин. Хоразм мусиқа санъатининг пайдо бўлишини профессор И.Жаббаров ўзининг “Юксак маданият ва ноёб маънавият маскани” деб номланган асарида зардуштийлик–оташпарастилик динидаги диний маросимлар билан боғлайди: “Оташпарастилик маросим-байрами театрлаштирилган услубда, мусиқани рақс билан ҳамоҳанг қилган

“Қуванчбек-Машҳура”, 2018. –168 б.; Дурдиева Г. Қадимий Хоразм пахсадевор ёдгорликлари. – Хива, 2017. –146 б.; Дурдиева Г. Хива тарихий меъморий ёдгорликларининг техник ҳолатлари. – Хива, 2017. – 273 б.; Раҳмонова Ю. Хива шаҳри тарихи (анъана ва ўзгаришлар, XVI аср – XX аср бошлари). – Тошкент: “Akademnashr”, 2019. –156 б.; Ўша муаллиф. Хива тарихидан лавҳалар. – Тошкент, “Akademnashr”, 2019.– 224 б.; Нуруллаева Ш. Хоразм анъанавий кийимлари. – Тошкент, 2013.– 154 б.; Абдурашулов А., Абидова З. Хоразм қадамжолари ва зиёратгоҳлари. – Тошкент, 2016. – 100 б.; Бобожонов Д., Абдуллаев М. Хоразм амалий санъат усталари. – Хива, 2010. –100 б.

холда олиб борилган”⁶ дея ёзади. Хоразмда пайдо бўлган мусиқа ва рақслар диний маросимлар билан боғлиқ бўлиб, бу ҳақда зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да маълумотлар келтирилган. Оташпарастларнинг маърака-ю маросимларида, дин пешволари бўлмиш муғларнинг бутун фаолияти ва менталитетида товуш, овоз санъати (мусиқа) алоҳида ўрин тутди⁷. Бу қадимдан Хоразмда мусиқа санъати шаклланиши халқ анъаналари ва маросимлари билан бевосита боғлиқ бўлганлигини кўрсатади. Ўтказиб келинган бундай турли хил диний маросимлар ўйин-рақс, қўшиқлар инсонларни салбий кечинмаларини йўқотиб тетиклаштирган ва руҳан энгиллик бағишлаган.

Мустақиллик ўзбек халқининг онгида янги дунёқарашни шакллантириб, ўзлигини англашга аждодлар яратган ноёб асар миллий мусиқа асосларини авлодлар томонидан ўрганишга имкон яратди.

Диссертациянинг **“Хоразм вилоятидаги моддий ёдгорликларнинг маънавийтни юксалтиришдаги аҳамияти”** деб номланган иккинчи боби уч параграфдан ташкил топган.

Бобнинг “Хоразм археологик объектларининг ўрганилиши ва уларнинг маънавий ҳаётдаги аҳамияти” деб номланган биринчи параграфида ҳудудда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижалари ва уларнинг аҳамияти ёритилган.

Хоразм вилояти ҳудудида жойлашган археологик ёдгорликларни ўрганишда ХХ асрнинг 30 йилларидан С.Толстов раҳбарлигида ташкил қилинган Хоразм археология-этнография экспедицияси алоҳида ўрин эгаллайди. С.Толстов, Я.Ғуломов, М.Воробьёва, М.Лапиро-Скобло, Б.Андрианов⁸ томонидан олиб борилган археологик тадқиқот ишлари давомида Хоразм ҳудудидаги қадимий қалъалар тадқиқ қилинди. Хива Тупроққалъаси, Шовот Тупроққалъаси, Янгиариқ Тупроққалъаси, Олмаотишган, Воянган ҳамда Хива шаҳрида кенг тадқиқот ишларини олиб боришган. 1973-1976 йилларда ЎзФА Қорақалпоғистон бўлими археолог олимлари томонидан Хоразм вилоятида жойлашган археологик ёдгорликларнинг харитаси тузилди⁹.

ХХ асрнинг охирлари ва ХХІ асрнинг бошларида Хоразм воҳасида М.Мамбетуллаев, Ғ.Ходжаниёзов, С.Болелов, С.Баратов, Қ.Собиров, Ш.Матрасулов, Б.Садуллаев тадқиқотлари асосида муҳим натижалар қўлга киритилди. Хумбузтепадан олинган маълумотлар Хоразм воҳасида Зардуштийликнинг вужудга келиши ва таракқий қилиши билан боғлиқ маълумотларни янада бойитади. Хумбузтепадан топилган ашёлар “Хоразм тарихи ва маданияти” доимий экспозициясидан муносиб ўрин олган. Милоддан аввалги VI-IV асрларга оид қозон, сопол хумча, илоҳларнинг лойдан ясалган ҳайкалчалари, шер тасвири туширилган қадах дастаси, чавандоз ҳайкалчаси экспозициянинг энг қадимги экспонатлари

⁶ Жабборов И. Юксак маданият ва ноёб маънавий маскани. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – Б.272.

⁷ Матякубов О. Мақомат. – Тошкент: Мусиқа, 2004. – Б.37.

⁸ Толстов С. Древний Хорезм. - Москва: 1948; Ғуломов Я. Хоразмнинг суғорилиши тарихи. –Тошкент: 1959.

⁹ Ходжаниёзов Ғ. Қадимги Хоразм мудофаа иншоотлари. –Тошкент: 2007.– Б.28.

ҳисобланади. Бундай ноёб буюмларнинг музейлардан муносиб ўрин эгаллаши уларни ёш авлодга етказишда муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳозирда ҳам археологик тадқиқотлар натижасида янги ёдгорликлар аниқланмоқда ва бу аҳолида, айниқса, ёшларда ватанпарварлик, шу юрт фарзанди эканликларидан фахр туйғусини уйғотади.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи “Хоразм вилоятидаги тарихий ва маданий ёдгорликларнинг ижтимоий-маънавий соҳани ривожлантиришдаги аҳамияти” деб номланган. Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари нодир меъморчилик ёдгорлиги ҳисобланиб, у халқ меъморчилигининг ўзига хос санъат ва меъморий асари сифатида зиёратчиларнинг муқаддас масканига айланган. Воҳадаги бу обидаларнинг баъзилари чет эл босқинчиларига қарши халқимиз озодлиги йўлда жон берган, тасаввуф намояндалари номи билан боғлиқ ислом оламида машҳур бўлган тарихий шахслар, шунингдек, асосий қисми исломни тарқатиш мақсадида келган саҳобалар қадамжолари ва мақбаралари ҳисобланади.

Мақбара ва қадамжолар диний қарашлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, аҳолининг маънавий қиёфасини шакллантиришда катта аҳамият касб этади.

Хоразм воҳасидаги мавжуд меъморий обидалар ичида Сайид Аъловуддин, Паҳлавон Маҳмуд, Уч авлиё бобо, Абдолбобо ва Харисбобо (Хива), Шайх Мухтор Валий, Остона бобо (Янгиариқ), Усмон Сайид бобо (Гурлан), Хўрозшайх бобо, Дошқинжон бобо, Шаҳобуддин Хўжа бобо (Урганч) каби зиёратгоҳлар алоҳида ўрин тутади¹⁰.

Қорихона, қаландархона ва хонақолар ҳам жамоат жойлари сифатида муҳим аҳамият касб этган¹¹.

Воҳадаги муқаддас жойларнинг пайдо бўлишига маҳаллий халқнинг мифологик олами, дунёқараши ва анъаналари ҳамда географик муҳит ўз таъсирини ўтказиб турган. Кейинги йилларда буюк шахсларнинг хотирасига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуалари жамият маънавиятини юксалтиришга, миллий онг ва миллий ғурурни кўтаришга ҳамда аҳоли, айниқса ёшлар онгида мустақиллик мафкурасини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Муқаддас қадамжоларнинг жамият ҳаётида, ёшларнинг маърифий ва маънавий тарбиясида таъсири катта ҳисобланади. Мустақиллик қўлга киритилгач, республикада буюк алломаларнинг қадамжоларига алоҳида эътибор қаратилиб, улар қайта таъмирланиб муқаддас зиёратгоҳларга айлантирилмоқда.

Музей, хиёбон ва диққатга сазовор жойлар маҳаллий аҳоли ва сайёҳларнинг севимли маскани ҳисобланади. Уларнинг халқ маънавий-маърифий камолотида тутган ўрни ва ёш авлодни шакллантиришдаги ҳиссаси, бой меросни авайлаб асраш, ўрганиш, дунёга тарғиб қилиш, ёш

¹⁰ Маньковская Л. Булатова В.А. Памятники зодчества Хорезма... – С.79–82.

¹¹ Бобоҷонов Д., Абдурасулов М. Фирдавсмонанд шаҳар. – Хива, 2008. – Б.38.

авлод онгида миллий ғурур ва ифтихор, истиклол ва Ватанга садоқат туйғуларини шакллантиришда аҳамияти беқиёсдир.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфи “Вилоятдаги меъморий обидаларни сақлаш, таъмирлаш ва тарғибот ишлари” деб номланган бўлиб, мустақиллик йилларида тарихий маданий мерос объектларининг таъмирланиши ва уларнинг аҳамияти очиб берилган.

Вилоят меъморий обидаларининг катта кўпчилиги Хива шаҳрида жойлашган. Бу шаҳардаги тарихий меъморий обидаларни таъмирлаш учун маблағ давлат томонидан ажратилади ва кўпчилик ҳолларда “Ичан-қалъа” давлат музей-қўриқхонасининг махсус ҳисобидаги маблағдан ҳам фойдаланилади.

1994 йилда Муҳаммад Раҳимхон II Феруз таваллудининг 150 йиллиги, 1999 йилда Жалололдин Мангубердининг 800 йиллик юбилейлари, “Авесто” китоби яратилганлигининг 2700 йиллиги, Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига тайёргарлик кўриш жараёнида бир қанча меъморий обидалар қайта таъмирланди.

Маълумки, Хиванинг 2500 йиллик юбилейи нишонланиши арафасида шаҳарнинг бир қатор объектларида таъмирлаш ишлари олиб борилди. 2008-2009 йилларда музей-қўриқхона махсус маблағи ҳисобидан Абдуллахон (1855 й), Ислом хўжа (1910 й), Муҳаммад Раҳимхон (1871 й), Қутлуғ Мурод инок (1812 й), Матпанобой (1906 й) мадрасаларида, Янги услуби мактаби (1912 й), Жума масжиди (X-XVIII аср), Кўҳна Арк мажмуаси (XVI аср), Қалъа девори каби 9 та ёдгорликда таъмирлаш ишлари олиб борилган.

2009 йилда Хоразм Маъмун академияси олимлари билан ҳамкорликда ҳар бир маданий мерос объекти, яъни тарихий меъморий обиданинг янги техник паспорти тайёрланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси билан республикадаги барча тарихий шаҳарлар, шу жумладан Хива шаҳрининг ҳам тарихий-меъморий ва туризм салоҳиятини изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунда айниқса, қадимий меъморий обидаларни таъмирлаш, уларнинг атрофини ободонлаштириш ишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 майда “Хоразм вилоятидаги “Нуриллабой” тарихий мажмуасини реконструкция ва реставрация қилиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди¹². Қарорда “Нуриллабой” тарихий мажмуасига кирадиган бинолар ва қурилмаларни қайта таъмирлаш, реконструкция қилиш бўйича кўрсатмалар берилган. Шунингдек, маҳаллий шароитларга мос ресторан, қабуллар уйи, галерея, амфитеатр ва хунармандлар кўрғазмаси, устахоналарини ташкил қилиш ва уларни ижарага бериш белгиланган. Бу борадаги ишлар буюк аждодларнинг бой тарихий мероси, маданияти ва санъати намуналарини асраб-авайлаш, халқнинг юксак бунёдкорлик салоҳиятини дунё жамоатчилигига кенг намоён этишга хизмат қилади.

¹² www.nrm.uz “Хоразм вилоятидаги “Нуриллабой” тарихий мажмуасини реконструкция ва реставрация қилиш тўғрисида”ги қарори.

Тарихий ёдгорликлар таъмирлангач, улардан оқилона ва унумли фойдаланишнинг асосий йўлларида бири уларни музейлаштиришдир. Музей–қўриқхоналар фаолиятининг йўналиши ёдгорликларни муҳофаза қилиш ҳисобланиб, унинг асл моҳияти тарихий-маданий ва табиий объектларни музей объекти сифатида кўрсатиб, уларнинг юқори даражада сақланиши, тарихий–маданий, илмий, бадиий қийматини юзага чиқариш ва юқори маданият намунаси қаторига қўшишга йўналтирилган.

Учинчи боб **“Номоддий мерос ёдгорликларининг вилоят маданий ва маънавий тараққиётидаги ўрни”** деб номланган. Мазкур боб Хоразмнинг жуда қадимий тарихий илдизларга эга номоддий маданий меросини тадқиқ қилиш ва аҳамиятини очиб беришга бағишланган.

Мазкур бобнинг биринчи параграфи “Хоразм воҳасига хос номоддий маданий мерос объектларининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари” деб номланган. ЮНЕСКОнинг “Инсониятнинг оғзаки ва номоддий мероси дурдоналари рўйхати”га умумий 127 та мамлакатнинг 549 та номоддий маданий мероси киритилган¹³. Жумладан, ҳозиргача ЮНЕСКОнинг мазкур рўйхатига Ўзбекистондан номоддий маданий мерос элементларидан 8 таси (Шашмақом, Бойсун маданий маркази (2008), Катта ашула (2009), Аския (2014), Палов, Наврўз (2016), Марғилон ҳунармандчилик маркази (2017) ва Лазги (2019)) киритилган¹⁴.

Хоразм вилоятида “Инсониятнинг оғзаки ва номоддий мероси дурдоналари рўйхати”га киритилган Шашмақом (Хоразм мақомлари), Катта ашула (сувора), Палов, Наврўз ва Лазги номоддий мерос анъаналари сақланиб келмоқда.

